



# O'ZBEKISTON OVOZI

2013-yil, 26-fevral. Seshanba • 23 (31.613)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

2013 йил — Обод турмуш йили

## МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Обод турмуш тушунчаси азалдан, авваламбор, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, қут-барока деган маънони англатади. Истиқлол йилларида бу тушунчалар янада чуқур маъно-мазмун билан бойиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, биз учун энг азиз ҳамда муқаддас бўлган қадриятларни асраб-авайлашни ҳам ўзида мужассам этмоқда.

2013 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Обод турмуш йили» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Давлат дастурининг биринчи бўлимида мамлакатимизда барқарорлик ва осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатларaro тотувлики янада мустақамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлигини изчил юксалтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Уларни амалга ошириш учун миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, фуқаролик институтларини янада ривожлантириш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокига доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш, оила ин-

титутини мустақамлаш, мамлакатимизда бутун жамият ишига айланиши лозим бўлган экологик аҳволни янада яхшилашга қаратилган саккизта қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Давлат дастурини амалга ошириш доирасида қабул қилиниши режалаштирилган аксарият қонунлар лойиҳалари Президентимиз Ислам Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида» ҳамда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АҲОЛИНИНГ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМИНИ МАНЗИЛЛИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАР, АЙНИҚСА, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН КУРАШАДИ.

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази



## МЕҲНАТ ҚИЛИШ ИСТАГИ

Оила, жамият равнақига ҳисса қўшишга интилишдир

Бу йил у коллежни битиради. Хўш, кейин нима бўлади? Омади чопса, олий ўқув юртига ўқишга қирар. Лекин ундай бўлмасачи? Оиласига қандай ёрдам беради? У ўз келажагини қандай тасаввур қилади?

Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги Туризм ва сервис касб-хунари коллежи битирувчиси Шаҳзод Эргашев бошқа кўплаб тенгдошлари каби бу саволларга ҳозир-

данок жавоб топиб қўйган экан. У коллежда ўрганган билимига суяниб, ўзи истиқомат қиладиган Соёлик қишлоғида автомобилларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз иши-

ни очмоқчи. Ишлари яхши бўлишига ишончи қомил. Устозлари, масъул идоралар, аҳоли бандлигини таъминлаш, битирувчиларни мутахассислигига асосан ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор бераётган ЎзХДП фаоллари, депутатлар уни ва тенгдошларини қўллаб-қувватлаяпти.

ЎзХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Тош-

кент вилоят партия ташкилоти, Марказий Банк ҳамкорлигида Бўстонлик туманида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида ўтказилган амалий семинарда ҳам ёшлар бандлиги, коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

## КОМПЬЮТЕРДАН ФЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

меъёрлари, интернет-кафе ва интернет-клубларга қўйилган талаблар хусусида

→ 3



## «ТБИЛИСИДА ТОШКЕНТ КўЧАСИ БОР»

дейди Грузиянинг «Чвенебуреби» фольклор ансамбли хонандаси, «Шарқ тароналари — 2011» халқаро фестивали совриндори Соломон Гогашвили

→ 4



## БОШ СОВРИН ПОЙТАХТДА ҚОЛДИ

→ 4



Азаматжон ТОШМАТОВ оlingан сурат.

## АНДИЖОННИНГ СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Андижон шаҳридаги «ЎзТонгХонгКо» қўшма корхонасида «GM-Uzbekiston» ёпиқ акциядорлик жамиятида тайёрланаётган автомобиллар учун ўриндиқлар етказиш баробарида халқ истеъмол моллари, шунингдек, баскетбол, волейбол, теннис тўплари, спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотлар Андижондагина эмас, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам харидорли.

32 турдаги спорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамиятида янги технология ишга туширилган, маҳсулотлар сони 45 тага етди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ЎзХДП ҳаётдан

### СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қашқадарё вилоят бўлими ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбир ўтказди.

Унда партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ёшларнинг маънавий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир этувчи иллатлар — чекиш ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолига қарши кура-

шиш, бу зарарли одатларнинг оғир оқибатларининг олдини олиш, бу борада ёшлар қаноти ва нодавлат но-тижорат ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш масалаларида фикр алмашилди. Ёшлар қаноти фаоллари ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича ўз таклифларини билдиришди.

Зулфиқор УСМОНОВ

### МОНИТОРИНГ НАТИЖАСИДА

ЎзХДП Хўжайли туман кенгаши хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 3 та маҳалла фуқаролар йиғинида мониторинг ишларини олиб борди.

Натижада меҳнатга лаёқатли, аммо иш бошлаш имконияти бўлмаган аёлларни қўллаб-қувватлаш, касаначилик ва хунарандчиликка жалб қилиш борасида ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилиши зарур бўлган аниқ режалар белгилаб олинди.

Шунингдек, мониторинг натижаларига кўра, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ва «Фалол аёллар» қаноти вазифалари ишлаб чиқилди. Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ

## Истиқлол имкониятлари



## ХОРАЗМ: ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Бугун хоразмликнинг суҳбат мавзуси бир хил: «Янги завод қачон ишга тушади, фабрика қурилиши битдими, автомобиль ишлаб чиқарадиган завод ҳам қурилармиш, шу ростми?...» Дарҳақиқат, вилоят улкан қурилиш майдонига айланди, бу одамлар диққат-эътиборини тортмоқда, уларнинг кайфиятини кўтариб, ҳаяжонга солмоқда.

→ 3

### ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2013 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СўМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Евро	2693,07	1 Дания кронаси	357,28	1 Хитой юани	324,25	1 Туркия лираси	1123,65
1 АҚШ доллари	2021,22	1 БАА дирҳами	550,37	1 Украина гривнаси	252,87	1 Швейцария франки	2170,09
1 Россия рубли	66,58	1 Миср фунти	300,18	1 Малайзия рингити	651,38	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2076,00	1 Исландия кронаси	15,94	1 Польша злотийси	639,91	Корея вони	18,58
1 Англия фунт стерлинги	3056,29	1 Канада доллари	1974,43	1 СДР	3064,41	10 Япония иенаси	214,73

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Халқимизга хос яшаш тарзи — маҳалла каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизимини мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқимиз маънавиятини, унинг миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиссир.

Давлат дастурида кўзда тутилган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, маҳаллани аҳоли манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимида унинг функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган.

Шу мақсадда лойиҳада фуқаролар йиғинларининг банд-

ликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёлқундорлар, пенсионер ҳамда ногиронларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истаган шахсларни ўқитиш бўйича маслаҳат марсирида маҳалланинг роли ҳамда ўрни беқиссир.

«Фуқаролар йиғини раис (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унга бундай сайловлар тизимини янада такомиллаштириш ҳамда демократлаштиришга йўналтирилган қатор муҳим нормаларни киритиш тақдирда, этилмоқда. Ҳужжатда фуқаролар йиғини раислари ҳамда маслаҳатчилари номзодини кўрсатиш ва сайлаш масалалари батафсил белгиланади.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳаётимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролинини янада ошириш, фуқароларнинг сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллигини юксалтириш, маҳалла ва умуман, мамлакатимизда рўй бераётган барча воқеаларга дахлдорлик туйғуси билан яшашига кўмаклашади.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида давлатнинг айрим вази-

фалари, шу жумладан, назорат функциялари жамоат ҳамда нодавлат ташкилотларга босқинча-босқич берилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси этилиши устидан жамоатчилик, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга хизмат қилади. Унда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектлари, предмети, шунингдек, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми, жамотчилик назоратини амалга ошириш асослари, унинг субъектлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва бошқа хизматчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланади.

Буларнинг барчаси давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилишдаги иштирокини, давлат органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, белгиланган вазифалар ижроси бўйича уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилиш, тегишли давлат дастурларини амалга оши-

риш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Унда фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик принциплари, шакллари ва йўналишлари, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, ахборотлаштириш, спорт ва маданиятни, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид сиёсатни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида фуқаролик жамияти институтларининг иштирок этиш механизми оқиб берилди.

Бундай янги ҳаёт шаклида мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг масъулиятини янада оширади. Қонун лойиҳасида тақдир қилинган ижтимоий шериклик тадбиркорлик субъектларининг иштирок этиш механизми бизнеснинг ижтимоий масъулиятини оширишга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жойларда ва умуман, бутун мамлакатимиз бўйлаб ривожланишга оид вазифаларни амалга ошириш учун жамият ресурсларини сафарбар этиш имконини беради. Уларнинг аниқ йўналтирилгани ва самарадорлигини, шунингдек, қа-

бул қилинаётган қарорлар сирфатини ошириш борасида янги имкониятлар очади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар мурожаатлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада тўқсондан ортиқ бошқа қонунлар ва икки юзта қонуности ҳужжатларидан иборат самарали қонунчилик базаси шакллантирилган. Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари тегишли қонун билан мустаҳкамланган бўлиб, мазкур ҳужжат ушбу мурожаатларнинг давлат органлари томонидан қўриб чиқиш тартибини ҳам белгилайди. Шу билан бирга, аниқ пайтга юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича алоҳида қонуннинг йўқлиги уларни қўриб чиқишда турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бу борада Давлат дастурида кўзда тутилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси долзарб аҳамият касб этади. Унда бундай мурожаатлар, чунончи, юридик шахслар мурожаатлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада тегишли жавобгарликни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Урта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларини

битирган ҳамда давлат грантлари асосида ўқиган ёшларнинг қабул қилиш бўлимида қўшимча қафолатлар яратиш, шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиш белгиланган. Унда ишга жойлаштириш жараёнига тижорат ташкилотларини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ходимлар ва иш берувчилар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процесуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинади. Аниқ пайтга ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилмоқда.

Судларда ишлар ҳар томонлама қўриб чиқиши ва бундай масалаларни ҳал этиш учун ҳуқуқий билим зарурлиги муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинган ҳолда, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколатларини судларга бериш так-

лиф этилмоқда.

Тақлиф этилаётган янгилик болалар ва фарзандликка олиш ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш, фарзандликка олиш сир сақланишига риоя этиш ва ушбу соҳадаги қонунчилик бузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Аниқ пайтда экология муаммолари глобал хусусият касб этмоқда. Мамлакатимизда бундай масалалар давлат даражасида ҳал қилинмоқда. Бу борада «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солиди. Қонунда экологик назоратнинг 4 тури — давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати белгиланган. Бунда илк бор нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида белгилаш тақдирда этилмоқда.

Муҳтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида кўзда тутилган миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ишхотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

ЎЗА

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

## МЕҲНАТ ҚИЛИШ ИСТАГИ

оила, жамият равнақига ҳисса қўшишга интилишдир

Мазкур семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий банк, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Солиқ бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, партия фаоллари, электротар вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди.

Тадбирда аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий ислохотларнинг янада самарали бўлиши йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, меҳнат қилиш, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланиш қафолатлари ва имтиёзлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Партиямиз ҳамкор ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан бирга аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ўз ишини бошлашга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келаяпти, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Урнбосари Шарбат Абдуллаева. — Биз бунда, аввало, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгариларидан ҳаётий ғояларга асосланиб иш тутаёмиз. Мақсадимиз — меҳнат қилиш имконига эга ҳар бир фуқаро кучи ва салоҳиятини оиласи фаровонлиги ва жамият равнақига сарфласин. Биз бу борада аҳоли, хусусан, электротар вакиллари, таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш ва улар-

(Давоми. Боши 1-бетда.)



га ёрдам беришга доим тайёрмиз.

Шунинг учун ҳамкорликдаги тадбирларимизни кенг қамровли ўтказишга эътибор бериб келаямиз. Тадбир доирасида ташкил этилган тижорат банкларининг микрооливи хизматлари бўйича кўргазмаси, ҳудудий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорлар ва хунармандларнинг маҳсулотлари намойиши шу мақсадга қаратилди.

Амалий семинарда аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат ҳуқуқи қафолатларини мустаҳкамлаш бўйича қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, яъни, ўзини ўзи бошқариш органлари имкониятлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш борасида тегишли қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шухрат Турсунбоев ва Ҳафиза Каримова маълумот берди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидадаги электротар вакиллари саволларига жавоб қайтарди.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Аҳо-

лини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари юзасидан аҳоли вакиллари билан фикр алмашилди. Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар тингланиб, бу борада тақлифлар олинди.

Тошкент вилоят Хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутати вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Сайёра Файзиева аёллар бандлигини таъминлаш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар, қиллоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни қанчалар кўриб қолганини кенгайтириш борасида тегишли қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шухрат Турсунбоев ва Ҳафиза Каримова маълумот берди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидадаги электротар вакиллари саволларига жавоб қайтарди.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Аҳо-

лини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари юзасидан аҳоли вакиллари билан фикр алмашилди. Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар тингланиб, бу борада тақлифлар олинди.

Тошкент вилоят Хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутати вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Сайёра Файзиева аёллар бандлигини таъминлаш бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишлар, қиллоқ жойларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни қанчалар кўриб қолганини кенгайтириш борасида тегишли қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шухрат Турсунбоев ва Ҳафиза Каримова маълумот берди. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисидадаги электротар вакиллари саволларига жавоб қайтарди.

«Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Аҳо-

Сирожиддин Аъзамов ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш, жумладан, коллеж битирувчилари ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш, шу орқали партия электротар вакиллари таъминлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Туманимизда 160 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди ЎзХДП Бўстонлик туман кенгаши раиси Олимжон Бобоев. — Шундан қарий 64 мингга хотин-қизлар. Утган йилги иш ўринлари яратиш режаси тўлиқ бажарилди. Туманда 1503 нафар ёшлар касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, уларнинг 1367 нафари ўз иш ўрнига эга бўлди. Касаначиликни йўлга қўйиш орқали эса 430 та янги иш ўрни яратилди. Бу жараёнда туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам муносиб иштирок этди. Амалий семинарда мавзуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш, манфаатдор ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўзимизга тегишли хулосалар қарий олдик.

Семинар якунида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари томонидан вилоятда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, бу борада мутасадди идора-ташкилотлар билан ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш, таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида электротар вакиллари партия фаоллари ва депутатлар кўмағида ишлаб чиқилган касаначиликни, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш бўйича тижорат банкларининг сертифицикатлари топширилди. Мазкур сертифицикатларни бизнес лойиҳалари истиқболли деб топилиган касб-ҳунар коллежларининг 14 нафар битирувчилари, 10 нафар маҳаллий хотин-қизлар қўлга киритди.

Улар орасида ўз мустақил ишини очиб, кўпчиликка хизмат қилиш, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш ниятида юрган Шаҳзод Эргашев ҳам бор.

Тўлқин ТўРАХОНОВ

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

## РЕЖАЛАШТИРИЛМАГАН СЕМИНАР

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ РАИМБЕРГАН САБУРОВГА БИР ЙИГИТ МУРОЖААТ ҚИЛДИ: БИЗГА «ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИШДА ЁРДАМ БЕРСАНГИЗ. ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ РАҲБАРИ ҚИЗИҚСИНДИ:**

— Қайси ўқув даргоҳидан келдингиз?

— Урганч давлат университетидаман. Мен жисмоний маданият факультетининг тиббий билим асослари кафедрасида ўқитувчиман. Талабалар билан келдик...

Маълум бўлишича, олийгоҳда турли мавзуларда «Маънавият соатлари» ўтказилиши аънаёна айланган. Бунда сиёсий, ҳуқуқий, маънавий мавзуларда талабаларга очик дарслар, мутахассислар билан учрашувлар ташкил қилинади. Мавзуларнинг янада тушунарли, қизиқарли ёритиб берилиши учун бевосита шу соҳанинг билимдони бўлган мутахассислар, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар тақлиф этилади, улар билан жонли суҳбатлар уюштирилади.

Бу гал «Маънавият соати»ни талабалар депутатлар билан ўтказишни сўрашди. Шундай қилиб университет талабалари, ўқитувчилар ва депутатлар ўртасида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Вилоят Кенгаши депутатлари мавзунини тўла очиб беришда истиқлол йилларида қабул қилинган қонунлар, уларнинг жойларда ижроси, ҳуқуқий демократик давлат асослари, фуқаролик жамияти барпо этиш таъминлари, олдинда турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича тушунча беришди.

Ёшларни мавзуга доир бир қатор масалалар қизиқтиргани боис саволлар ҳам кўп бўлди.

— Ушбу мавзунини талабаларга кенг ва атрофлича тушунтириб бериш учун ЎзХДП депутатлик гуруҳига мурожаат қилишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаган эдик, — дейди Урганч давлат университети ўқитувчиси Эгамберган Жуманиёзов. — Янгиликларимиз эканми. Депутатлар бизга мавзунини батафсил тушунтириб беришди. «Маънавият соати» ёнда қоларли бўлди. Талабалар жуда хурсанд. Суҳбат давомида кўтарилган айрим масалалар бўйича алоҳида семинарлар ўтказишга ҳам келишимиз олдик.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоларига турли ўқув даргоҳлари, ташкилотлардан шу маънода тақлиф, мурожаатлар кўп-кўп бўлди. Аксарият ҳолларда илгари чанқоқ ёшлар бирор-бир мавзунини ўрганиш учун ўзлари келишапти. Бу — сиёсий-ҳуқуқий фаоллик, ҳаётимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ошириб бораётганининг яна бир намунаси, албатта.

Рўзимбой ҲАСАН,  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

## Истиқлол имкониятлари

# ХОРАЗМ: ЯНГИЛАНИШ, ЯШАРИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

ёки воҳада амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида



Ўтган йили Президентимизнинг Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим қарори эълон қилинди. Жумладан, «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятда жами 253 та лойиҳа бўйича 462 миллион АҚШ доллари миқдорига биноан эса 2013-2020 йиллар ичида жами 1 триллион 619,7 миллиард сўм ҳажмидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилди.

Шунингдек, «Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан эса 2013-2020 йиллар ичида жами 1 триллион 619,7 миллиард сўм ҳажмидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилди.

— Питнак шаҳрида жойлашган автосаноат корхонаси яқин бир йил ичида давлатимиз томонидан ажратилган 49 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ эвазига тўла реконструкция қилинади, — дейди «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» МЧЖ директори Мурод Иброҳимов. — Корхонада йилга 40 мингта замонавий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Дамас» автомашиналари ишлаб чиқариш имконини берувчи янги технологик жараёнлар ўзлаштирилади. 800 киши учун иш ўринлари очилади. Бу соҳадаги амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилди. Машиналар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

— Юртбошимизнинг вилоят саноат салоҳиятини юксалтиришга доир қарори асосида 3 йил ичида воҳанинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида улкан ҳажмли бунёдкорлик ишлари амалга оширилади, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги Рўзимбой Қурбонов. — Жумладан, 2013 йили жалб этиладиган инвестиция маблағлари эвазига 2772 та, келгуси йили ўзлаштирилиши кўзда тутилаётган маблағлар ҳисобига 4328 та ва яқунловчи 2015 йил учун мўлжалланган лойиҳага кўра, 1170 та янги иш ўрни очилади. Ёшлар ва хотин-қизлар учун иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Биргина энгил саноат тизимида аёллар ва касб-хунар коллежалари битирувчиларидан иборат 3500 киши иш билан қамраб олинади.

— Ал-Хоразмий кўчасида қурилган эски ва яроқсиз бино ҳамда иншоотлар бузилиб, ҳукуматимизнинг тегишли қарорига биноан, атиги

бир йил ичида бутун бошли янги шох кўча барпо этилди, — дейди Урганч шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилбек Сафоев. — Бундай бунёдкорликлар ҳозирда вилоят марказининг барча кўча ва майдонларини, маҳалларни қамраб олган.

Бугун Урганч шаҳрини таниб бўлмайдиган Урганч аэропорти ва темир йўл вокзали — шаҳарнинг кўша дарвозаси. Шаҳарга қадам қўйган киши унинг бор гўзаллиги ва маҳабатини ана шу икки рамзий дарвоза орқали илқ қадамларданок ҳис қилади. Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган ишлар ҳозирги кунда темир йўл шохбекати атрофларида, айниқса, қизгин давом этапти. Шаҳар бош меъморий режасига кўра, мукамал таъмирлаш ва реконструкция-хисобига сўнг гўяда гўзал ва мухташам қоша қиёфасига кирган мазкур шохбекат ва вокзал олди майдонига ёндош «Ёшлик» кўчаси бутунлай қайта қурилади. Кўча бўйидаги маҳаллалар худудида йнги автошохбекат, ёпиқ спорт манежи ва бир нечта мусобақа зали, сузиш ҳавзаси, салябати ва маҳабатли ўйингоҳ каби иншоотлардан иборат кўракман спорт шаҳарчаси, кўп қаватли турар-жой бинолари, умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи мажмуалари, маъмурий бинолар бар-

по этилади.

Шаҳарнинг бошқа худудлари ҳам улкан қурилиш майдонига айланади. 11 километр узунликда троллейбуслар қатновига мўлжалланган шаҳар кичик ҳалқа йўли қурилади. Шаҳарни бошдан-оёқ кесиб ўтувчи «Шовот» канални бектонлаштириш ва ободонлаштириш дастури доирасида унинг ҳар иккала соҳили бўйлаб энг кўракман ва замонавий ландшафт дизайни асосида кўкаламзор боғлар, хордиқ ва жисмоний машқ масканлари, равон йўлқалар, майдонлар, хибоблар, сайёҳларга мўлжалланган меҳмонхона ва рестороанлар бунёд қилинади. Шунингдек, замонавий мактаблар, ўқув юртлари, шифохона мажмуаларини қуриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари жараёнда тус олади. Хоразмий шох кўчасида 3 та меҳмонхона, 6 та кўп қаватли турар-жой биносини қурилиши яқунланади. Марказий деҳқон ва «Чолиш» бозорлари, троллейбус парки, «Жайхун» меҳмонхона мажмуаси тўла қайта таъмирланади.

— Биргина бизнинг маҳалламиз худудида замонавий услубдаги 3 та меҳмонхона, 8 та савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, тўйхона, ҳамма қулайликларга эга кенг ва ёруғ турар жойлардан иборат 14 та кўракман қад ростлади, — дейди шаҳардаги 5-

сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ХДП аъзоси Раҳимберган Матрасулов. — Бундай хайрли ишлар шаҳримиз ва вилоятимизнинг саноат салоҳиятини оширишдаги янада кенг миқёсли дастур ва тадбирларга уланмоқда. Шунингдек, ушбу қарор айни пайтда аҳоли учун етарли ва юқори ҳақ тўланадиган иш ўринлари очиб мақсадини кўзлайди. Бу эса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни бош мақсади қилиб белгиланган Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурига тўла мос келади. Кейинги 3 ой ичида маҳалламизнинг 70 дан зиёд фуқароси иш билан таъминланган бўлса, жорий йилда яна минг нафарга яқин киши ишли бўлади.

Хоразмнинг ҳар бир туман ва қишлоқларида қарорга биноан, янги иш ўринлари яратилади. Биргина мисол. Шу пайтгача воҳанинг чекка ва саноат жиҳатидан қолоқ ҳисоблаб келинган Янгиариқ туманида полимер ва йирик ўлчамли трубалар, биогаз ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Қўшқўпир туманида эса йилга 50 миллион донна силикат ғишти ишлаб чиқарадиган замонавий корхона ишга туширилади, паст ва юқори қувватли электр ускуналарни ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилади. Шовот туманида маҳаллий бўён ўсимлиги хомашесидан гўяда шифобахш ва ноёб дори воситасини тайёрловчи фармацевтика корхонаси қурилади. Шунингдек, воҳада биринчи бор энгил автоташналар, велосипед, телевизор, монитор, музлатгич, кўш ба-тарейялари, кўмир брикетли ишлаб чиқарилади.

2013 йил воҳага салмоқли ва ҳаётбахш ўсиш-ўзгариш, янгилашни нафасини бошлаб келди. Бу эса кўнгилларни, шаҳар қишлоқларини янада обод этади. Хоразм воҳасини яшна-тиб, яшартиради. Иқтисодий қувватини ошириб, аҳоли турмушини фаровон қилади...

Абдулла СОБИРОВ, журналист.

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Сирдарё вилоятида ҳам йигитларни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш тадбирлари давом этмоқда.

## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлиб ўтган йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимида маҳаллий ҳокимият, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар ҳамда чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган息лохотлар натижасида тезкор, ихчам, замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминланган профессионал армия шакланган, мамлакатимизда ишончли мудофаа тизими яратилгани таъкидланди.

— Армияда хизмат қилиш истаги билан сивонларда қатнашган, тиббий кўриқдан ўтган ёшлар орасидан энг муносибларини саралаб олдик, — дейди Сирдарё вилояти мудофаа ишлари

А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎЗА мухбири

## Тадбир

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ:

манфаатли ҳамкорлик



2010 йил 28 декабрда Давлат мулки қўмитаси ва Корея фонд биржаси ўртасида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми ва 2011 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини модернизациялаш бўйича Бош шартнома имзоланганди.

Шартнома доирасида, Корея фонд биржасига мамлакатимиз фонд бозори учун Ягона дастурий техник мажмуани 2013 йилнинг охиригача етказиб бериш ва жорий этишни таъминлаш мажбурияти юклатилганди. Ушбу дастурий мажмуа сервер ва телекоммуникация ускуналарининг дастурий таъминотини, маҳаллий мутахассисларни ўқитиш, бир йил мобайнида хизмат кўрсатиш кафолатини ҳамда мавжуд қонунчилик базасини тақомиллаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида жаноб Хонг Хи Шин бошчилигидаги Корея фонд биржаси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди. Унда республика фонд бозорини модернизациялаш масалалари муҳокама қилинди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

## КОМПЬЮТЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

меъёрлари, интернет-кафе ва интернет-клубларга қўйиладиган талаблар хусусида

Бугун деярли ҳар бир хонадон компьютерга эга. У одамларнинг ҳақиқий дастёрига айланган — ёзувчи, ҳисоб-китоб, дунёдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, яқинларимиз билан мулоқот, хат-хабар, ҳаммаси унинг ёрдами билан амалга ошириляпти. Фарзандларимиз учун эса ҳақиқий мўъжиза: мультимедиа, ўйинлар ҳам, қўшиғу клиплар ҳам шу кичкина «қути» ичида.

Шу боисданми, компьютерни катталардан кўра, оиланинг кичиклари кўпроқ банд қилади. Компьютер марказларининг асосий миқдорлари ҳам ёшлар, ўсимирлар ва болалар. Бундай марказлар «товар»ларини ёшларбоп қилишга уринади, пештахталар юзидаги «компьютер ўйинлари» ёзуви каттароқ ва кўринарлироқ ёзилади. Чунки миқозлар кўпроқ ўйинлар ўйнайди, овунинг учун бу ерга келади.

Фарзандларимиз компьютердан қандай, қанақа мақсадда фойдаланаётганини билиш бизни ҳар доим ҳам қизиқтиривермайди. Экран олдида қанча вақт, қандай узокликда, қаерда ва қанақа шароитда ўтиргани ҳам бизни ташвишга солмайди. Бундай лоқайдликлар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлаб кўраймиз.

— Компьютердан 45 дақиқа фойдалангач, 10-15 дақиқа очик ҳавода сайр

қилиш тавсия этилади, — дейди Яқкасарой туман тиббиёт бирлашмаси оналик ва боланин муҳофаза қилиш бўйича бош шифокор муовини Ирода ЖОМОЛИДДИНОВА. — Чунки ундаги микротесел магнити ошиб бораверди, натижада монитор ва тармоқ блокидаги электромагнит тўлқини инсон организмига, айниқса болаларга кучли таъсир ўтказиб, унда лейкомиа (оқ қон) касаллигини ҳосил қилади. Компьютер олдида 50-60 см оралик масофада бўлиш лозим, негаки, экрандаги рангли тасвирлар, матндаги тўлқинлинишлар кўз нурунининг хиралашшига, қадни ростламасдан бир маромда мунтазам ўтириш эса умуртқаси погонаси касаллиги — катталарда остеохондрозга, болаларда сколиоз (умуртқа суюгининг қийшайиши)га олиб келади. Суюқларни ўраб турувчи мушаклар фаоллиги ҳам бора-бора сустлашади. Меъёридан ортик компьютер-

дан фойдаланиш бош оғриғи, ҳолсизланиш, уйқусизлик ва асабийлашишга сабаб бўлади.

Дарҳақиқат, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан компьютер техникаси фойдаланувчилари учун гигиеник талаблар ишлаб чиқилган. Унда компьютердан фойдаланиш қоидаларидан тортиб, интернет кафелар, компьютер хизмати кўрсатувчи марказлар, корхона ва ташкилотларга бу борада қўйиладиган талабларгача баён қилинган.

— Компьютер хизмати марказлари, интернет хоналар кенг, шовқинсиз, ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда мактаблардан узок жойларда бўлиш керак, — дейди Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачи Рауф ҚОСИМОВ. — Белгиланган меъёрида майдон сатҳи 27 кв.м, баландлиги эса 2,8-3 м бўлган хонада олтига компьютер жиҳозлари ўрнатилиши ва уларнинг ораси 1,25-1,50 м да бўлиши керак. Пол қисми тахта (паркет) еки ленолеум билан қопланган ва компьютер симлари пастдан юқорига 30 см баландликда қўйилиши, ҳавони тез-тез ўзгартириб, ҳарорат 18 даражада сақланиши зарур. Шундагина хонада электромагнит меъёри камайд ва инсон кучли зарарлардан холи бўлади.

Ёруғ, кўп деразали хоналарда

компьютердан фойдаланилса, инсоннинг руҳий толиқиши камайд. Ертўлардаги компьютер хоналарда эса электромагнит тўлқини ва намлик кучли бўлади, Уларда ҳавони ўзгартириб бўлмайди. Электр тармоғи ишлаган жойда ҳаво мунтазам алмаштириб турилиши лозим.

Айни кунда республикамизда 1063 та компьютер хизмат марказлари (интернет кафе, клуб) фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳаммаси ҳам юқоридаги талабларга мос равишда ишлаяпти, деб бўлмайди. Ертўларда, тор ва коронги хоналарда фаолият юритаётган интернет кафелар, клублар, марказлар бор. Уларда «Чекиш, овқатланш мумкин эмас» ёки «Шовқин кўтарманг!» каби оғохлантирувчи эълонлар илиб қўйилган. Табиийки, миқоз, албатта, унга риоя қилади. Буларга қўшимча равишда «Ярим соатдан сўнг 15-20 дақиқа танаффус қилишни унутманг!», «Компьютер экранни олдида узок мuddат қолиш соғлиқ учун зарарли!» каби ёзувли эслатма ва оғохлантиришлар бўлса, бу талабларни соғлигини асрашга хизмат қилади.

Назаримизда, нафақат компьютер, қолаверса ахборот технологиялардан қандай фойдаланиш маданиятига, аввало катталар эътибор қаратиши муҳим. Ахборот технологиялари, хусусан, компьютердан фойдаланиш қоидалари, меъёрлари, компьютер марказларига қўйиладиган техник ва гигиеник талаблар тўғрисидаги қўлланмалар, тавсиялар ҳар бир хонадон, корхона ва ташкилотларда бўлиши, бу борадаги тарғибот ишлари доимий равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Альбина ЖУМАНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Долзарб мавзу

# «ТБИЛИСИДА ТОШКЕНТ КЎЧАСИ БОР»

дейди Грузиянинг «Чвенебуреби» фольклор ансамбли хонандаси,  
«Шарқ тароналари — 2011» халқаро фестивали совриндори Соломон Гогашвили



Муродбек ЭИЕ олган сурат.

— Мен Ўзбекистон ҳақида ўйлаганимда кўз олдима тинч ривожланиб бораётган мамлакат келади, — дейди у. — Ватанингиз билан бизни ажиб хотиралар боғлаб туради. Тошкентга борганимизда буюк ватандошимиз Шота Руставелига ҳайкал ўрнатилганини кўрдик. Юртдошларингиз бизга Нодар Думбадзе ҳақида ҳам гапирди. Унинг жуда кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган экан. Шунда англадимки, ўзбек ва грузин халқларини нафақат санъат, балки адабиёт ҳам бир-бирига жуда яқинлаштирган. Мен ҳам ўз навбатида Тбилисида Тошкент кўчаси борлигини айтдим. Ҳар гал ундан ўзинида Ўзбекистонни, у ерда ўтказган ҳаяжонли дамларни эслайман, қўмсайман. Кенг ва раvon кўчалар, юксак савияда ташкиллаштирилган фестиваль...

Бутун гуруҳимиз билан Ўзбекистон пойтахтини томоша қилдик, айландик. Юртдошларингиз бизга грузин рақсларини ижро этиб беришди...

— «Шарқ тароналари» фестивали ҳақидаги фикрларингиз?

— Бу ажойиб фестивалда нафақат Шарқ мамлакатларининг вакиллари, балки жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият намояндаси иштирок этмоқда. Самарқандда фақат «Шарқ тароналари» эмас, дунё тароналари ян-

райди. Биз Куба, Италия ва Африкадан келган санъаткорларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан томоша қилдик. Самарқанд қадим-қадимдан турли миллатлар, турли маданиятлар туташган манзил ҳисобланган. Ҳозир ҳам шаҳар ўзининг мана шу мавқеини сақлаб турибди.

Бизнинг гуруҳимиз бу нуфузли фестивалда илк бор иштирок этганига қарамай, фахрли учинчи ўринни эгаллаганини гуруҳ билан айтаман.

«Шарқ тароналари» бизга жаҳоннинг турли бурчакларидан келган маданият вакиллари билан суҳбатлашиш, фикр алмашиш имконини берди. Уларнинг баъзилари билан ижодий алоқалар ўрнатдик. Бу ҳамкорлик ҳамон давом этмоқда. Интернет орқали мунтазам гапириб турибмиз. «Айсва» гуруҳи билан бирга кўшиқ куйладик, ҳамкорликда альбом тайёрлаш режамиз ҳам бор. Демак, «Шарқ тароналари» маданиятлар, миллатлар яқинлашуви, санъатлар, муסיқалар уйғунлашуви, халқлар, давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

2011 йил «Шарқ тароналари»нинг очилиш маросимида шахсан Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов қатнашди. Шунинг ўзи ҳам мазкур фестивалга эътибор қай даражада эканлигини кўрсатади. Айтишим керак, у кишининг самимий тилаклари бизга руҳ бағишлаган эди.

— Юртимизга келгунингизга қадар Ўзбекистон, Самарқанд ҳақидаги тасаввурларингиз қандай эди?

— Биз Ўзбекистонда грузин санъати ва маданиятини яхши кўришларини билар эдик. Мен халқингизни ўзининг анъаналарига содиқ қолган миллат сифатида ҳурмат қиламан. Ватанингизга борганимдан кейин менда шундай ҳиссиётлар уйғонди, қанчадир вақт Ўзбекистонда яшагим ҳам келиб қолди!

Самарқандга келсак, тўғриси, бунақа чиройли шаҳарни илгари кўрмаганман. Ҳар бир гўшасида ўзига хос гўзаллик мужассам. «Регистон» майдони эса афсона, эртак... Бу ерда туриб кўшиқ куйлаш ҳар қандай хонанда учун бахт. Бу гапларни муволафасиз айтганман. Дунёнинг энг машҳур кўшиқчиларидан бири италиялик Аль Бано ҳам бежизга Самарқанд тупроғини ўйиб, ҳурмат бажо келтиргани йўқ. Аслида, Самарқандга келган ҳар қандай хорижий унинг тупроғини кўзига суриши тайин.

Бутун дунёдан келган санъаткорларни бағрига олгани учун, Регистонда кўшиқ айтишимизга имконият бергани учун Самарқандга раҳмат.

— Пойтахтимиз Тошкент сизда қандай таассурот қолдирди?

— Тошкент чиройли, замонавий шаҳар. Юқорида айтганимдек, Грузия пойтахти Тбилисида «Тошкент» номли кўча бор. Бу Тошкент нафақат Ўзбекистонда, балки дунёда ҳам машҳур шаҳарлардан бири эканлигининг тасдиғидир.

Очиги, Тошкент оқшоми менга жуда ҳам ёқди. Ҳавоси яхши, кўчалари кенг. Энг муҳими тинч, осойишта.

— Ўзбек кўшиқчилиги санъати ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбек муסיқаси ўзига хос ритми билан бошқалардан ажралиб туради. Мен фестивалда қатнашган ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларини диққат билан кузатдим. Мукофотланганлар орасида «Сато» гуруҳи ва хонанда Илём Арабов бор эди. Улар ўзларининг чиройли ижролари билан ажралиб туришди.

Биз ўзимизни Ўзбекистоннинг дўсти деб ҳисоблаймиз. Бунинг исботи тариқасида «Шарқ тароналари»га борганимиздаги кийимларимизни мисол келтирмақчиман. Ушанда уларнинг бир томонида Грузия байроғи бўлса, бошқа томонида Ўзбекистон байроғи бор эди. Буни чин юракдан қилганимиз. Илгари Ўзбекистонга келмаган бўлсак-да, доимо руҳан ўзимизни юртингизга яқин сезганмиз.

Тбилисида ўзбек миллий таомлари тайёрланадиган ресторан ҳам бор. Булар бизга доимо жаннатмақон Ўзбекистонни эслатиб туради. Ўзбек ва грузин халқи бир-бирини яхши кўради, қаттиқ ҳурмат қилади.

Ўзбекистонда дўстларимиз кўп. Ва умид қиламанки, бизнинг дўстлик алоқаларимиз фақат мустаҳкамланади.

— Юртдошларимизга тилақларингиз?

— Ўзбек халқи санъатсевар халқ. Санъатни фақат гўзал қалб эгалари санъат сева олади, ҳис қилади. Қаерда тинчлик бўлса, ўша ерда муסיқа, кўшиқ янграйди. Ўзбекистондаги тинчлик мустаҳкам бўлсин, абадий бўлсин.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий анъаналарига эга. Истардимки, ҳар доим шундек бўлсин.

Ўзбекистон ва у ерда ўтган бахтли дамларни ҳеч қачон унутмайми. Саволларингизга жавоб қайтарар эканман, ўзимни худди Самарқандда юргандай ҳис қилдим. Шу йил бўладиган фестивалга ҳам таклифнома олдик. Тўғриси, буни ўзимиз учун шараф, деб биламиз. «Шарқ тароналари»да кўришгунча хайр!

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АбЗАМ суҳбатлашди.

## Кўргазма

Тошкент фотосуратлар уйида таниқли график-рассом Солижон Маматқуловнинг шу номдаги кўргазмаси очилди.

## «ҚАЕРГА ШОШИЛАМИЗ?»

Рассом бежизга бу мавзуга муножабат қилмаган. У ҳаёт ташвишлари билан югуриб-елиб юрган инсонларни она табиатдан баҳраманд бўлишларини, бир-бирларига меҳр-муҳаббат кўрсатишларини истади.

Шунинг учун ҳам у акс эттирган турли сюжетларда инсонларнинг ўзаро суҳбати, нигоҳлар учрашуви, йўловчи ҳаёллари каби ҳаётий лаҳзалар тасвирланган.

Кўргазмада рассомнинг икки юзга яқин акварель ва графика асарлари намойиш этилмоқда.

«Қаерга шошилиамиз?» Бир соат бўлса-да, вақт толиб, мазкур кўргазмага боринг. У ердаги суратларда албатта, ўз кечинмаларингизни кўрасиз.

Мазкур кўргазма икки ҳафта давом этади.

Альбина ЖУМАНОВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партияга аъзолик гувоҳномалари бланкларини тайёрлаш бўйича**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**Тижорат таклифлари эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5/3 уй.**

**Алоқа учун телефонлар: 239-18-49, факс 239-13-20**

**ОБ-ҲАВО 26-27 – 02. 2013**

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти**

-2 / -7 +2 / +7

**Бухоро ва Навоий вилоятлари**

-3 / +2 +3 / +8

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари**

-3 / +2 +3 / +8

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари**

0 / -2 +5 / +10

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари**

0 / +5 +3 / +8

**Тошкент шаҳри**

0 / +3 +3 / +5

**Дунё бўйлаб (°C)**

**Лондон** -1 / -1

**Париж** -3 / 0

**Москва** -12 / -11

**Мадрид** 0 / -2

**Пекин** -2 / -3

**Канберра** +15 / +17

**Рим** +7 / +8

**Афина** +5 / +7

**Токио** +3 / +2

**Стокгольм** -5 / -7

**Кейптаун** +15 / +17

**Қоҳира** +10 / +11

**Гавана** +21 / +22

**Вашингтон** +1 / +1

## Спорт



## КУЧЛИЛАР ФИНАЛДА ДОНА СУРАДИ

**Пойтахтимизда шахмат бўйича эркалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг ярим финал баҳслари якунланди.**

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг барча худудларидан юз нафардан зиёд шахматчи куч синашди. Иштирокчилар Швейцария усулида ўн биттадан ўйин ўтказди.

Мусобақанинг сўнгги турида икки пешқадам — пойтахтлик Улугбек Тиллаев ва фарғоналик Алишер Рустамов ўзаро дуранг ўйнаб, саккиз яримдан очко жамгарди. Кўшимча кўрсаткичлар бўйича Улугбек биринчи, Алишер эса иккинчи ўринни эгаллади. Сўнгги тур-

гача биринчи ўринга даввогарлик қилган самарқандлик Алихон Гусейнов учинчи ўрин билан кифояланди.

Ярим финал босқичида саккизтадан очко жамгарган сурхондарёлик Иномжон Шоймуродов, пойтахт вакиллари Роман Голубев ва Одил Раҳмон ҳам финал босқичида олий лига йўлланмалари учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасининг финали 10-24 март кунлари ўтказилади.

**Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.**

## БОШ СОВРИН ПОЙТАХТДА ҚОЛДИ

**Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида эркалар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.**

Эркалар ўртасидаги яккалик беллашувларида барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри вакилларига насиб этди. Финалда Ботир Сафоевни 6:3, 2:6, 6:0 ҳисобида енгган Санжар Файзиев Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Ботир Сафоев кумуш, Павел Цой бронза медал билан тақдирланди.

Жуфтликлар ўртасидаги финал учрашувида пойтахт вакиллари Неъмат Шофайзиев ва Санжар Файзиев дуэти қашқадарёлик Алексей Намозов ва бухоролик Азизбек Луқмановни 7:5, 6:4 ҳисобида енгди.

Учинчи ўрин тошкентлик ёш теннисчилар Сардор Раҳимов ва Искандар Довудовга насиб этди.


Хотин-қизлар мусобақасининг финал учрашу-

вида чемпионат қашқадарёлик Гўзал Юсупова пойтахтлик Арина Фольц билан беллашди. Унда 6:2, 7:5 ҳисобида зафар кучган А.Фольц иккинчи маротаба мамлакат чемпиони бўлди. Г.Юсупова илк маротаба кумуш медални қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун баҳсда пойтахтлик Амина Мухамметшина андижонлик Жамила Содиқжоновани 6:2, 6:1 ҳисобида енгди, бронза медалга эга бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида биринчи рақамда сараланган Арина Фольц ва Амина Мухамметшина голиб бўлди. Гўзал Юсупова ва пойтахтлик Даяна Седова иккинчи, қашқадарёлик Мадина Хотамова ва мезбонлар вакиллари Александра Стаханова учинчи ўринни эгаллади.

(ЎЗА)



## MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Sharbat

ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

## BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотибiyat — 233-72-83, 236-55-17.

## MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzilli Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 246

20116

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 00.00

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433

472030763006

1 2 3 4 5